



Молиявий мақсадларга эришиш, молиявий маҳсулотлардан хавфсиз фойдаланиш, шахсий маблағларни самарали бошқариш, ўз ҳуқуқларини билиш — молиявий саводхонлик бўйича Telegram, Facebook, Instagram, Tiktok ва Youtube тармоқларида янги ишга туширилган Finlit.uz расмий саҳифалари мавзулари рўйхатини яна давом эттириш мумкин.

Оддий, интерактив, қизиқарли “edutainment” шаклида ёритилган маълумотлар молиявий барқарорлик ва фаровонликка эришиш учун зарур билимларни оширишга ва фойдали молиявий одатларни ривожлантиришга қўмаклашади.

ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ АЖРАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ПРЕЗИДЕНТ ФАРМОНИ

Жисмоний шахсларга якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун кредитларни ажратиш тартиби барча ҳудудларда жорий этилади. Кредитлар Қорақалпоғистон Республикаси ва ҳар бир вилоятда 500 та жами 6 500 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши (реконструкция қилиш) учун ажратилади.

Даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга якка тартибдаги уй-жойларга ажратилган ипотека кредитлари бўйича дастлабки 5 йил мобайнида фоиз ставкасининг 10 фоизлик пунктидан ошган қисмини қоплаш учун Давлат бюджетидан субсидиялар ажратилади. Субсидиялар қурилган (реконструкция қилинган) якка тартибдаги уй-жойнинг

кадастр ҳужжатлари расмийлаштирилган ойнинг кейинги ойдан бошлаб тўланади.

2021 йил 1 июндан бошлаб ипотека кредити бўйича дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар тўлашнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинади.

НОВАБАНК КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛМОҚДА
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 юлдаги “Микромолиявий хизматлар оммабонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ новобанк кредит ташкилотлари кўрсатадиган хизматлар доираси кенгайтирилди ва микромолиявий хизматлар ҳажми оширилди.

Нобанк кредит ташкилотлари соҳасини изчил ислоҳ қилиш, фаолиятини тартибга солувчи қоидаларни тизимлаштириш ва унификациялаш мақсадида “Нобанк кредит ташкилотлари ва

АЛИШЕР НАВОЙ ТАВАЛЛУДИГА ОЛТИН ТАНГАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки буюк мутафаккир, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги муносабати билан олтиндан тайёрланган эсдалик тангалари, шунингдек, улуг шoirнинг “Хамса” асари асосида тайёрланган олтин сувенирлар тўпламини сотувга чиқарди.

Уларни банкларнинг филиалларида сотиб олиш мумкин. Эсдалик тангалари ва сувенирларнинг сотуви йўлга қўйилган тижорат банклари филиалларида белгиланган тартибда қайтариб сотиб олиш ҳам амалга оширилади.

Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллиги



рени ташкил этишга доир талаблар, шу жумладан, ташкилий-ҳуқуқий шакли, таъсисчилар, раҳбар ходимлар, устав капитали, шунингдек, улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш тартиби ўрнатилмоқда.

Ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши республикада ягона молия тизимининг тўлдирувчиси сифатида нобанк кредит ташкилотлари ривожига хизмат қилади.

IOS ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРИ УЧУН МОБИЛ ИЛОВА



Мобил илова расмий веб-сайта фойдаланувчиларига қўшимча қулайлик яратиб, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг барча ахборот ва интерактив хизматларини қулай форматда тақдим этади.

Мобил иловада асосий пул кўрсаткичлари ҳақидаги янгиликлар ва маълумотлардан ташқари, валюта курсини сана бўйича саралаш функцияси ёрдамида осонгина топиш, шунингдек, энг кўп сўраладиган саволларга жавоблар ва бошқа имкониятлардан фойдаланиш мумкин. Ило-

вада Ўзбекистоннинг географик харитасида жойлашуви кўрсатилган банк инфратузилмаси объектларининг интерактив харитаси мавжуд. Шунингдек, иловада банк тизимининг ҳуқуқий асослари базаси ҳам ўрин олган. Базадан кенгайтирилган филтер орқали керакли ҳужжатларни тез ва осон топиш, маълумотларни юклаб олиш ёки онлайн ўқиш мумкин.

Илованинг яна бир афзаллиги — унда “push-habar” хизматининг мавжудлиги. Бу хизмат янги ахборот материаллари ва валюта курсидаги ўзгаришлар тўғрисида автоматик равишда хабар бериб туради. Илова созиламаларида ихтиёрий равишда барча хабарномаларни ўчириб қўйиш ёки фақат керакли маълумотлар хабарини ёкиш имконияти мавжуд.



2021 йил, март

“НАМКОРБАНК” АТБ БОШҚАРУВИ РАИСИ ЖАСУР ИБРАГИМОВИЧ ҲАСАНОВНИНГ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар, ҳурматли ҳамкасблар!

Сизларни баҳорнинг бугунгидай фарахбахш, гўзал кунларида халқимизнинг қадим ва навқирон, умрбоқий байрами Наврўзи олам билан самимий муборакбод этаётганимдан жуда хурсандман! Азизлар, юртимизга барчамизни соғинтирган фасллар келинчаги кириб келди. Янгиланиш, яшариш айёми ҳаммамизни хушнуд айлаши, кайфиятимизга ўзгача кўтаринкилик бахш этиши, албатта, бор гап. Қишнинг қаҳратон кунларидан сўнг баҳорнинг таровати, унинг ифори инсониятни эзгуликка, яхшиликка чорлайди. Атроф гулга, гўзалликка бурканаётган паллада кучингизга куч, ғайрат қўшилади. Наврўз, яхши биласиз, ҳамжиҳатлик, меҳрмурувват байрами. Инсонлар бир-бирларига фақат яхшилик илинадилар, эзгуликни соғинадилар. Байрам баҳона биз ҳам Сиз азизларга энг яхши тилакларимизни, самимий кутловларимизни йўллаймиз. Юртимизда тинчлик-осойишталик бардавом бўлсин, хонадонларимиздан файз-барака аримасин, соғлиқ-саломатлик, бахт-саодат, касбий баркамоллик доимий йўлдошингизга айлансин.

Шиддат билан ривожланиб бораётган даврда “Hamkorbank”нинг нуфузи, обрўсини янада юксалтириш, банкимиз томонидан кўрсатилаётган маҳсулот ва хизмат турларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш зарурлигини вақтнинг ўзи кўрсатиб турибди. Биз янги минг йилликда ҳам соғлом

ракобат муҳитида ривожланиш, тараққий этишни истар эканмиз, ташаббусни қўлдан бой бермай астойдил меҳнат қилишимиз даркор. Йиллар давомида шаклланган стратегиямизга содиқ қолган ҳолда янада шижоат, янада ғайрат билан меҳнат қилишимиз, банкимиз, мижозларимиз учун манфатли бўлган лойиҳаларни амалиётга қўллашимиз лозим. Мана шу устувор мақсадни бажаришда ҳар бирингизга куч-қувват, омад ёр бўлишини тилайман.

Азизлар, бу йилги баҳор барчамиз учун ўзгача. Зотан, жорий йилда “Hamkorbank” ташкил топганлигининг 30 йиллик тантанасини кенг нишонлаймиз. Ушбу қутлуғ тантанага астойдил тайёргарлик кўрмоқдамиз. Фурсатдан фойдаланиб, шунга алоҳида урғу бермоқчиманки, фидокорона меҳнат қилаётган ҳамкасбларимизнинг меҳнатини қадрлаш бўйича алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Ким сидқидилдан ўз касбига садоқат билан ёндошса, албатта, унга алоҳида рағбат, эътибор бўлади.

Банкимизнинг 30 йиллик тўйини муносиб ютук ва эътироф этса арзигулик муваффақиятлар билан қарши олайлик! Фидокорона меҳнатингиз ҳар бирингизга чексиз шараф, ҳурмат келтиришини чин қалбимдан истайман.

Янги кун тантанаси — гўзал Наврўзи олам барча-барчага яна бир бор муборак бўлсин!



ТАЙИНЛОВЛАР



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 3 март кунги 190/к - сонли буйруғига асосан, **Солиев Улуғбек Джурабаевич** 2021 йил 4 мартдан "Hamkorbank" АТБ Муаммоли активлар билан ишлаш ва ундирув хизмати бошлиғи лавозимига тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 3 март кунги 190/к - сонли буйруғига асосан, **Бобоев Зафар Нematович** 2021 йил 4 мартдан "Hamkorbank" АТБ Муаммоли активлар билан ишлаш ва ундирув хизмати бошлиғи ўринбосари (Тошкент ва Воҳа бўйича) лавозимига тайинланди.



Банк бошқаруви раисининг 2021 йил 9 март кунги 8/к - сонли буйруғига асосан, "Hamkorbank" АТБ Корпоратив хизматлар бошқармаси бошлиғи – департамент директори ўринбосари **Муродов Бахтиёр Рахматуллаевич** 2021 йил 10 мартдан "Hamkorbank" АТБ Авиасозлик филиали бошқарувчиси лавозимига тайинланди.

"HAMKORBANK" VA VISA БИРГАЛИКДА АВТОМОБИЛЬ УЛАШАДИ АКЦИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунгача акциянинг 5 та босқичи ўтказилди. 30 та смартфон ва 1 та Nexia-3 автомобили ўз эгасини топди. Ютуқли ўйиннинг навбатдаги ғолиблари билан таъиннинг:

учинчи ўрин — Samsung Galaxy A21s смартфонини Содиқов Ихтиёр Мустафоевич, Содиқов Абдуллоҳ Акрамжон ўғли, иккинчи ўрин — Samsung Galaxy A41 смартфонини Эргашева Гулмира Шавкиддиновна, Мавлонов Амир Алишерович, биринчи ўрин — Samsung Galaxy A51 смартфонини Кўчқоров Ботиржон Баҳодирович, Ўринов Жавоҳир



Хайруллаевичлар қўлга киритди.

Барчага хурсандчилик тақдим этаётган "Hamkorbank" ва Visa апрель ойида яна бир супер ютуқли

ўйинини ўтказди. Акцияда иштирок этиб Nexia-3 автомобили ёки 6 та замонавий смартфондан бирини қўлга киритиш мумкин. Бунинг учун "Hamkorbank"нинг Visa картасини расмийлаштириб, 20 доллар ёки ундан юқори бўлган харидни амалга ошириш зарур.

Эслатиб ўтамиз, "Hamkorbank"нинг Visa картаси опa-сингилларимизга 31 мартга қадар банк офисларида бепул тақдим этилади.

"HAMKORBANK" — 30 ЙИЛ СИЗ БИЛАН БИРГА!

ЯНГИ ЖОРИЙ ЭТИЛГАН БАНК МАҲСУЛОТИ

"HAMKORBANK" АТБ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАРИНИ ҚУЛАЙ ШАРТЛАРДА ТАҚДИМ ЭТМОҚДА

"Hamkorbank" АТБ янги уй сотиб олиш ёки ҳовли-жойларини реконструкция қилиш истагида бўлган ҳамюртларимизга манфаатли кредитларни тақдим этмоқда.

Янги қурилган уйлар ёки иккиламчи бозордан уй-жой сотиб олиш учун – йиллик 18% ставка билан 20 йил муддатга;

Таъмирлаш ишлари учун – йиллик 17% ставка билан 10 йил муддатга.

Уй-жой хариди учун 323 млн. сўм, таъмирлаш ишлари учун эса 80 млн. сўм.

"Hamkorbank" ипотека кредитлари уйингизни шинам, файзли бўлишининг гаровидир!

"HAMKORBANK" ДАН ҲАР ҚАНДАЙ МАҚСАД ВА ИМКОНИЯТГА МОС ОМОНАТЛАР!

Банкимизда ҳамма ўз эҳтиёжи ва имкониятларига мос омонатларни топиши мумкин: миллий валюта, хорижий валютада ва ҳатто онлайн омонатлар.



Пулларингиз фойда келтиришини истасангиз, ўзингизга мос омонат турини танланг.

Омонатни "Hamkorbank"нинг қайси филиалида очганлигингиздан қатъий назар, у билан боғлиқ амалиётларни банкнинг исталган филиалида амалга оширишингиз мумкин.

"Hamkorbank" билан келажагингиз ҳақида қайғуришни бугундан бошланг!



БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕЛИКЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

"КЁНГНАМ БАНКИ" ВАКОЛАТХОНАСИ ИШ БОШЛАМОҚДА



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан "Кёнгнам банки"нинг (Корея Республикаси) ваколатхонаси акредитация қилинди.

Ваколатхона мамлакатимиз банклари билан ҳамкорлик ўрнатиш, банк мижозларининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда Кореянинг банк-молия соҳасидаги илғор тажрибасини Ўзбекистонда татбиқ қилишга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилмоқда.

АҲОЛИНИНГ ИСТЕЪМОЛ КАЙФИЯТИ ШАРҲИ ТАЙЁРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан аҳолининг даромадлари ва харажатлари таркиби, уларнинг истеъмол ва жамғариш кайфияти ҳамда кредитга бўлган талаби, шунингдек, инфляциянинг турли даромадга эга аҳоли қатламларига таъсирини ўрганиш бўйича Республиканинг барча ҳудудларида сўровлар ўтказилди. Уларнинг натижалари асосида аҳолининг истеъмол кайфияти шарҳи тайёрланди.

ИШОНЧ ВА САМАР

Бугун бутун жаҳонда иқтисодий ривожланиш тартиби банклар билан боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистонда ҳам аҳоли турмуш фаровонлиги негизида ҳам иқтисодий ривожланиш омили банклар ҳаёти билан боғлиқ. Фуқаролар ҳаётида ҳам бевосита банклар хизмати катта ўрин тутади.

"Hamkorbank"нинг Бухоро филиали кўзга кўринган молия муассасаси. 2002 йилда ташкил топган. Унга иқтидорли ва изланувчан Алишер Мухторов раҳбарлик қилади. Банк дастлабки фаолиятини 12 нафар ходим билан бошлаган бўлса, айти дамда ходимлар 90 нафар. Уларнинг 25 нафари хотин-қизлардир.

Филиал негизида 5 та банк хизматлар офиси мавжуд. Бухоро шаҳрида 4 та - "Сомоний", "Ёшлик", "Тўқимачи", "Дилкушо" ҳамда Ёғдудон банк хизматларида намунали хизматлар ташкил қилинган. Хизмат турларининг барчаси бугунги талабларга жавоб беради. Шу боис мижозлар сони кундан кунга ортиб бормоқда.

Айни пайтда 3 минг 500 дан ортиқ яқка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик мижозларига эга жамоа ишбилармонлар билан ҳам мустаҳкам алоқа ўрнатиб, улар фаолиятининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

"Shijoat tekstil" масъулияти чекланган жамияти филиалнинг энг йирик ҳамкорларидан. Миллий кийим-кечаклар ва момиқ сочиқлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. "Fayz" қурилиш моллари корхонаси ҳам банк мижози ҳисобланади. Бугун мазкур молия муассасаси фаолиятдан миннатдор корхоналар сафи кенгайиб бормоқда. Бу ўзаро ишонч самарасидир.

Н.ЙЎЛДОШЕВА.

ҲИКМАТЛАР

Ўзингиз орзу қилган киши бўлишингиз учун ҳеч қачон кеч эмас.

Жорж ЭЛИОТ

Агар сен бирор нарсани ўйлаб топа олсанг, уни бажаришга ҳам кодирсан.

Уолт ДИСНЕЙ

Муваффақият фақат интилувчан одамгагина насиб қилади. Қийин шароитда тушқунликка тушадиганларни эса жуда кам йўқлайди.

Жавоҳарлаъл НЕРУ

Бекорчиликдан ақлий ва жисмоний ланжлик келиб чиқади.

Дмитрий ПИСАРЕВ

Буюк муваффақиятлар қатъият ва кунт-матонатнинг натижаси, холос.

Сэмюэл ЖОНСОН

Умр ўтказишнинг иккита усули бор. Биринчиси, гўё ҳеч қандай мўъжиза йўқдай яшаб ўтиш. Иккинчиси, ҳаётдаги ҳамма нарса мўъжиза эканига ишониб яшаб ўтиш.

ЭЙНШТЕЙН

Ҳаёт оғир меҳнат ва ташвишларсиз сизга ҳеч нарса ҳада этмайди.

ГОРАЦИЙ

Обрў-эътиборни шакллантириш ва мустаҳкамлаш учун йигирма йил керак бўлади. Уни йўққа чиқариш учун эса беш дақиқа ҳам етарли. Агар сиз буни жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсангиз, қилаётган ишингизга муносабатингиз албатта ўзгаради.

Уоррен БАФФЕТ